# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● http://xs.uz ● E-mail: Info@xs.uz ● 2013 йил 26 март, № 57 (5731) Сешанба

# Миллий санъатимиз дурдоналари

«BAZAR-ART — 2013»







*Санъат ва ижод инсоннинг маънавий камолотида беқиёс аҳамиятга эга қудратли воситадир. Шу боисдан бугун иқтидорли ёшларимизнинг бебаҳо миллий қадриятларга эҳтиром руҳида вояга етиши, истеъдод ва қобилиятини намоён этиши учун барча имконият яратиб берилмоқда. Натижада кўплаб иқтидорли ўғил-қизлар ота-боболаримиздан мерос нодир санъат намуналарининг асл мазмун-моҳиятини чуқур ўрганиб, маҳоратли ижодкор, қўли гул уста-ҳунарманд сифатида элга танилмоқдалар.*



Аслида ҳам, юртимизда тарихий анъана ва қадриятларни асраб-авайлаш, миллий ҳунармандчилик соҳасини янада ривожлантириш борасидаги эзгу саъй-ҳаракатлар ҳар қанча таҳсину эътирофга муносиб. Зеро, бугун "Устоз — шогирд" анъанаси асосида санъат ва ҳунар сирларини эгаллаб, мамлакатимиз ҳамда жаҳон миқёсидаги нуфузли халқаро тадбирларда маҳоратини намоён этаётган, ижодий муваффақиятларга эришаётган ёш ҳунармандлар сафи тобора кенгайиб бораётир.

Пойтахтимиздаги Миллий санъат марказида бўлиб ўтаётган "Bazar-Art. Баҳор — 2013" 12-кўргазма-ярмаркасига ташриф буюрсангиз, бунга яна бир бор амин бўласиз. Ушбу тадбир "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ҳамда рассомлар, санъатшунослар ва халқ усталарининг "IJOD" уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Кўргазма-ярмарканинг очилишида маданият ва санъат намояндалари, юртимиздаги қатор дипломатик корпус вакиллари, сайёҳлик компанияларининг мутахассислари, уста-ҳунармандлар, талаба-ёшлар қатнашди. Тадбирда алоҳида эътироф этилганидек, мазкур лойиҳа истеъдодли ҳунармандлар ижодини танитиш, уларнинг ўзаро тажриба алмашуви ҳамда ижодий ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга кенг йўл очмоқда. Анъанага мувофиқ, кўргазма-ярмарка доирасида ёшлар учун турли тақдимотлар ҳамда маҳорат сабоқлари ҳам ўтказилади.

— Биз момолардан мерос ҳунаримиз ортидан оилавий тадбиркорликни йўлга қўйдик, — дейди шаҳрисабзлик Сожида Мўминова. — Ҳозирги кунда 30 нафардан зиёд шогирдларим бор. Бугун уларнинг аксарияти мана шундай нуфузли тадбирларда ўз ижодини намоён қилаяпти.

(Давоми 2-бетда).

## Олий Мажлис Сенатининг ўн биринчи ялпи мажлиси олдидан

*Ўзбекистонда бозор иқтисодиётини барпо этиш даврида барча хўжалик тармоқларида жадал ўсиш, юқори технологик ривожланишни таъминлаш устувор вазифа сифатида белгилаб берилди. Бу йўлда босқичма-босқич изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар эса ўзининг ёрқин самараларини намоён этмоқда. Жумладан, автомобиль саноати соҳасида қўлга киритилаётган ютуқлар ҳам фикримизнинг ёрқин тасдиғидир.*

# Йўл ҳаракати иштирокчилари масъулияти ва қонунчилик

Бугунги кунда автомобиллар мамлакат транспорт тизимининг асосий қисмига айланди. Фақатгина сўнгги ўн йилда республика йўлларида ҳаракатланадиган енгил автомашиналар сони деярли бир ярим баробарга кўпайди. Бундай юқори транспорт оқими шароитида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни кучайтириш мақсадга мувофиқ.

Юртимизда йўллардаги хавфсизликни таъминлашга қаратилган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар ҳаётга татбиқ этилган. Чунончи, "Автомобиль транспорти тўғрисида"ги, "Шаҳар йўловчилар транспорти тўғрисида"ги қонунлар, Вазирлар Маҳкамасининг "Йўл ҳаракати Қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Шу жумладан, "Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида"ги Қонун 1999 йилда амалиётга жорий этилган бўлиб, бугунги кун талаблари ушбу ҳуқуқий ҳужжатни такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг навбатдаги ялпи мажлисида кўриб чиқиш учун парламент қуйи палатаси томонидан "Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида"ги Қонуннинг янги таҳрири тақдим этилди. У аҳоли ҳаёти ва саломатлигини муҳофаза қилиш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкларини, мухтасар айтганда, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ишлаб чиқилган.

Таклиф этилаётган янгиликлар қаторида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашнинг асосий принципларига оид модда бор. Унда бошқа принциплар қатори фуқаро ҳаёти ва саломатлиги устуворлиги, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича фаолиятнинг тизимлилигини мустаҳкамлаш назарда тутилаяпти.

Маълумки, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишда кенг жамоатчилик катта роль ўйнайди. Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини амалга оширишда жамоатчилик назоратининг ташкилий-ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш долзарб аҳамият касб этади. Ушбу дастуриламал ҳужжатда фуқаролик жамияти институтларининг обрўси ошиб, мавқеи мустаҳкамланиб боргани сари уларнинг давлат ва ҳокимият тузилмалари фаолияти устидан таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги ўрни жамиятимизда тобора ортиб боришига алоҳида эътибор қаратилган. Қонуннинг янги таҳририда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотларининг соҳадаги тадбирларни амалга оширишда иштирок этишини таъминлашга оид норма киритилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

## ТАНЛОВ

*Мана, тўрт йилдирки, республикамиз тиббиёт тизимида фаолият кўрсатаётган малакали мутахассисларнинг билим ва тажрибасини янада кенг тарғиб этиш ҳамда намунали меҳнат қилаётган ходимларни муносиб рағбатлантириш мақсадида шошилинч тиббий ёрдам хизмати ходимларининг республика кўрик-танлови ўтказиб келинмоқда.*

# Юқори малака ва тажриба кўриги

Куни кеча Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида мазкур кўрик-танловнинг жорий йилги ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда сўзга чиққанлар халқимиз саломатлигини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар самараси жаҳонда юксак эътироф этилаётганини алоҳида таъкидладилар. Бинобарин, юртимизда шошилинч тиббий ёрдам кўрсатишнинг ўзига хос тизими шакллантирилганлиги ва аҳолига тезкор равишда сифатли тиббий хизмат кўрсатилаётгани бунинг амалий тасдиғидир.

Бугун энг юқори талаб ва мезонларга мос ихтисослаштирилган вилоят шифохоналари, уларнинг шаҳар ҳамда туман бўлимлари қошидаги тез тиббий ёрдам хизмати бўлимларида буткул янгича тизим шакллантирилган. Ушбу тизим асосида ҳозир Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг жойлардаги 13 та минтақавий филиали, шунингдек, 172 та туман ва шаҳар бўлими фаолият кўрсатмоқда. Шу билан бирга, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида "103" хизмати станциялари, тез тиббий ёрдам гуруҳлари ҳамда санитар авиация хизмати йўлга қўйилган. Тез тиббий ёрдам хизмати кўламини янада кенгайтириш мақсадида мазкур тизим сўнгги йилларда саккиз юзта махсус транспорт воситаси билан таъминланиб, олис ҳудудларга замонавий алоқа воситалари етказиб берилди.

(Давоми 2-бетда).

# Бонн шаҳрида Наврўз шукуҳи

*Бонн шаҳрида Ўзбекистон Республикасининг Германия Федератив Республикасидаги элчихонаси ва Бош консуллиги томонидан "Германия — Ўзбекистон" дўстлик жамияти билан ҳамкорликда Наврўз байрамига бағишланган маданий-ахборот кечаси бўлиб ўтди.*

## ДУНЁ НИГОҲИ

Тадбирда иштирокчилар ўзбек халқининг азалий байрами — Наврўзи оламнинг тарихи билан яқиндан танишдилар. Ушбу баҳор байрамининг асосий моҳияти инсон ва табиат уйғунлиги, одамлар орасида дўстлик, ҳамжиҳатлик ҳамда меҳр-оқибатнинг мустаҳкамланиши эканлиги таъкидлангани баробарида, икки мамлакат ўртасидаги дўстона алоқаларнинг ривожланиши ва кенгайиши муҳим аҳамият касб этиши ҳам алоҳида айтиб ўтилди.

Шу билан бирга, Ўзбекистоннинг замонавий тараққиёти кўрсаткичлари, халқимизнинг кўп асрлик бебаҳо тарихий меросини тиклаш юзасидан олиб борилаётган чора-тадбирларнинг кенг кўламли натижалари тўғрисидаги ахборотлар ҳам меҳмонларда катта қизиқиш уйғотди. Мустақилликнинг илк йиллариданоқ республикамиз раҳбарияти томонидан нафақат давлатни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш, балки маънавий-маданий қадриятлар ҳамда анъаналарни асраб-авайлаш борасида ҳам катта ишлар қилинаётганлиги қатнашчилар томонидан алоҳида эътироф этилди.

(Давоми 2-бетда).

## МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК — ФАРОВОНЛИК АСОСИ

2013 ЙИЛ — ОБОД ТУРМУШ ЙИЛИ

Халқимизнинг севимли байрамларидан бири бўлган Наврўз нафақат табиат, балки инсон қалбининг ҳам уйғониш, янгиланиш фаслидир. Наврўз кунлари турли анъанавий тадбирлар, халқ сайиллари ўтказилади. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида мамлакатимиздаги турли миллий маданият марказлари вакиллари кўклам байрамини кенг нишонлади.

(Давоми 3-бетда).

# Ватанга садоқат ифодаси

*Айни кунларда мамлакатимизнинг барча жойларида Қуролли Кучларимиз сафларида муддатли ҳарбий хизматни ўташга киришган аскарларнинг ҳарбий қасамёд қабул қилиш маросимлари бўлиб ўтмоқда.*

## ҒУРУР

Шундай тадбирлардан бири пойтахтимиздаги "Ватанга қасамёд" монументи пойида ташкил этилди.

Ҳарбий хизматчилар, жамоатчилик вакиллари, аскарларнинг ота-оналари қатнашган маросимда жамиятимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик, миллатлараро тотувлик ҳамда ҳамжиҳатлик юртимиз равнақи йўлида амалга оширилаётган эзгу ишларнинг мустаҳкам пойдевори бўлиб хизмат қилаётгани, Қуролли Кучларимиздаги ислоҳотлар ҳарбий жамоалардаги маънавий-ахлоқий муҳитни тубдан ўзгартиргани алоҳида қайд этилди. Энг муҳими, мамлакатимиз мудофаа салоҳияти билимли ёшлар билан янада мустаҳкамланиб бормоқда. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, бугунги кунда ҳарбий хизматга чақирилаётган ёшлар аввалги йиллардаги муддатли ҳарбий хизматчилардан мутлақо фарқ қилади. Ҳозирги вақтда мустақиллик йилларида туғилиб вояга етган, мамлакатимиздаги лицей ва коллежларда энг замонавий таълим-тарбия олган йигитлар армия сафларига кириб келмоқда.

(Давоми 2-бетда).

# Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ўн биринчи ялпи мажлисининг очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн биринчи ялпи мажлиси 2013 йил 28 март куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари диққатига!**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2013 йил 27 март соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойесида рўйхатга олинади.

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

# ТИББИЁТ МУАССАСАЛАРИ ҚАЙТА ЖИҲОЗЛАНМОҚДА

**2012 йилда мамлакатимизда тиббиёт муассасаларини замонавий диагностика ва даволаш ускуналари билан жиҳозлашга**

**8 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди.**

Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси томонидан ажратилган ушбу маблағ эвазига кўплаб тиббиёт муассасалари энг замонавий, юксак технологияларга асосланган ускуналар билан жиҳозланиб, беморларга жойларнинг ўзида жаҳон стандартлари даражасида ташхис қўйиш ва даволаш имконияти яратилди.

# Йўл ҳаракати иштирокчилари масъулияти ва қонунчилик

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ушбу Қонунга мувофиқ, жамоатчилик ташкилотлари, фуқаролар йиғинлари вакиллари жойлардаги давлат ҳокимияти органлари, шунингдек, ваколатли ташкилотларга йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисидаги ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар ҳамда ҳужжатлаштиришни такомиллаштиришга оид таклифлар киритиши, профилактика тадбирларида, соҳага оид муҳим қарорларни ишлаб чиқишда иштирок этиши мумкин. Ишончимиз комилки, бу йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар самарадорлигини оширади.

Йўл ҳаракати хавфсизлигининг яна бир муҳим омили йўлларнинг аҳволидир. Йўл ҳаракати хавфсизлиги ҳодисалари таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, йўл қопламасининг зарарланиши, чуқурлар ва бошқалар кўпинча хавфли авария ҳолатларининг келиб чиқишига сабаб бўлаётир. Шунинг учун янги таҳрирдаги Қонунда автомобиль йўллари ҳолатини яхшилашга оид моддалар сезиларли равишда ўзгартирилган. Қонун йўлларни лойиҳалаш, қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва уларни сақлашга оид нормалар билан тўлдирилмоқда.

Йўл ҳаракати иштирокчилари хавфсизлигини таъминлаш мақсадида йўлларни сервис объектлари билан жиҳозлаш талаблари ҳам такомиллаштирилмоқда. Йўллар бўйида шундай объектлар, қолаверса, тиббиёт ва алоқа муассасаларининг мавжудлиги ҳамда жойлашуви, тегишли йўл участкаларида ҳаракатланишнинг хавфсиз шароитлари ҳақидаги маълумотлар бўлиши шарт.

Қонуннинг янги таҳририда йўл ҳаракати иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, уларнинг тегишли органларга йўл белгилари, ишоралари, светофорлар жойини ўзгартириш ва ўрнатиш бўйича таклифлар билан, йўл қопламаси ҳолати ва бошқалар ҳақида мурожаат этишларига оид ҳуқуқи белгиланмоқда.

Транспорт воситаларидан фойдаланишга оид фаолият тури билан шуғулланувчи юридик шахсларга нисбатан асосий талаблар янада аниқлаштирилган. Хусусан, Қонунда корхоналар ўзларига тегишли транспорт воситалари иштирокида содир бўлган йўл транспорти ҳодисаси ва йўл ҳаракати қоидалари бузилиши сабабларини таҳлил қилиши, ҳайдовчиларни тиббий кўрикдан ўтказиши, улар томонидан фуқаролик жавобгарлигини суғурталаш бўйича мажбурият бажарилишини таъминлашга масъуллиги кўзда тутилган. Фаолияти транспорт воситаларидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган юридик шахсларнинг ходимларини ўқитиш, мазкур ходимлар малакасини ошириш, уларга йўл-йўриқ кўрсатиш ва уларнинг билимларини текшириш алоҳида моддада белгилаб қўйилмоқда.

"Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг янги таҳрирда қабул қилиниши фуқаролар ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза этишга оид ҳуқуқий асосларни ривожлантиришга, автотранспорт воситалари бўлган корхона ва ташкилотлар масъулиятини оширишга, энг муҳими, йўл-транспорт ҳодисалари сонини камайтиришга хизмат қилади.

**Юлчибой ТУРСУНБОЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси.**

# Бонн шаҳрида Наврўз шукуҳи

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

**"Ўзбекистон — Германия" дўстлик жамияти раиси Вольф Бауэр** тадбир иштирокчиларини қутлар экан, ўзи етакчилик қилаётган жамиятнинг Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришдаги ўрни ва аҳамияти ҳақидаги фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашди.

"Жаҳон" ахборот агентлиги мухбири билан бўлиб ўтган суҳбат чоғида **"Ўзбекистон — Германия" дўстлик жамияти вице-президенти, Германиянинг Ўзбекистондаги собиқ элчиси Райнхарт Биндзайль** касби тақозоси билан юртимизда ўтказган йилларни ҳамиша илиқ таассуротлар билан ёдга олишини билдирди.

— Бугунги тадбирда Германия жамоатчилиги вакиллари билан бир қаторда, Бонн шаҳри олий ўқув юртларида таҳсил олаётган кўп сонли ўзбекистонлик талабалар ҳам ҳозир бўлгани бизни қувонтиради, — деди у. — Мазкур маданий-ахборот кечаси Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги кенг қиррали муносабатларнинг янада ривожланишига хизмат қилишидан умидворман.

**Бонн шаҳри маъмуриятининг маданият бошқармаси раиси Ханс-Йоахим Овер** Наврўз байрамининг нишонланиши Бонн шаҳри маданий ҳаётидаги ёрқин воқеа бўлганини таъкидлади.

— Биз "Ўзбекистон — Германия" дўстлик жамияти ва мамлакатингиз дипломатия миссиялари билан қизиқарли маданий тадбирларни ташкиллаштириш борасида ҳамкорлик қилишдан бениҳоя мамнунмиз, — деди Х. Овер. — Биз бирдарлашган шаҳарлар, жумладан, Бонн ва Бухоро ўртасидаги дўстона алоқаларни ривожлантиришга алоҳида аҳамият берамиз. Ўзбекистонлик шерикларимиз билан турли қўшма лойиҳаларни амалга оширишда янгидан-янги муваффақиятларга эришилишига тилакдошмиз.

— Наврўз байрамига бағишланган бугунги тадбирда қатнашганимдан жуда хурсандман, — деди **журналист Ханна Диец.** — Ўзбек халқининг бой тарихи, ранг-баранг маданияти, кўҳна анъаналари билан яқиндан танишиш менга алоҳида мамнуният бағишлади. Айниқса, ўзбек миллий рақсларидан иборат маданий дастур ва ажойиб таомлар менга жуда ёқди.

Бонн шаҳрида истиқомат қилувчи **Тилл Вагенер** юртимизга бир неча маротаба саёҳат қилгани ҳақида сўзлар экан, ҳар гал Ўзбекистондан унутилмас таассуротлар билан қайтганини таъкидлади.

— Юртингиз бўйлаб саёҳатларим чоғида доимо ушбу ўлка инсонларининг самимияти ва меҳмондўстлигини ҳис қилдим, — деди у. — Шу сабабли Ўзбекистоннинг Германия Федератив Республикасидаги дипломатия миссиялари ҳамда "Ўзбекистон — Германия" дўстлик жамияти томонидан Наврўз байрами муносабати билан Бонн шаҳрида ташкил этиладиган байрам тадбирларида ҳар сафар бажонидил иштирок этиб келаман. Бундай тадбирларда ўзбек халқининг маданияти ва анъаналари ҳақида янада кўпроқ маълумотларга эга бўлиш мумкин.

**«Жаҳон» АА.**
Берлин



Сарвар ЎРМОНОВ (ЎзА) олган сурат.

# Юқори малака ва тажриба кўриги

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 21 майда қабул қилинган "Тез тиббий ёрдам кўрсатиш тизими фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори соҳада амалга оширилаётган илмий-амалий ишларни мунтазам такомиллаштириб боришда муҳим дастуриламал вазифасини ўтамоқда.

Кўрик-танловнинг якуний натижаларига кўра, Қорақалпоғистон Республикаси, Тўрткўл тумани тиббиёт бирлашмасининг тез тиббий ёрдам бўлими "Энг намунали тез тиббий ёрдам станцияси", деб топилди. Ушбу бўлим раҳбари Рашид Норбоев бош соврин — "Дамас" автоамбулански билан тақдирланди.

Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Самарқанд филиали тез тиббий ёрдам станцияси 3-бўлим шифокори Мавжуда Мардонова "Тез тиббий ёрдам станциясининг энг малакали шифокори", Наманган шаҳар тез тиббий ёрдам марказий бўлими автомашинаси ҳайдовчиси Содиқжон Хўжаев "Тез тиббий ёрдам станциясининг энг интизомли ҳайдовчиси" номинациясида ғолиб бўлди. Уларга диплом ҳамда қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

**Муборак АНВАРОВА.**

# Устувор вазифалар салмоқли натижалар,

*Тошкентда "Микрокредитбанк" очиқ акциядорлик тижорат банки акциядорларининг умумий йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Президентимиз ташаббуси билан 2006 йилда ташкил этилган мазкур молия муассасасининг ўтган даврдаги фаолияти таҳлил этилиб, 2012 йил якунлари сарҳисоб қилинди.*

## АНЖУМАН

Таъкидландики, "Микрокредитбанк" республикамиз молия бозорида барқарор фаолият юритаётган ва ишончли микромолиявий ташкилот ҳисобланади. 2013 йил 1 январь ҳолатига кўра, банкнинг жами капитали 176 миллиард сўмни, шу жумладан, шаклланган устав капитали миқдори 160,2 миллиард сўмни ташкил этгани бунга мисол бўла олади.

Ўтган йили, шунингдек, банк активлари ҳажми ҳам кўпайиб, унинг 442,3 миллиард сўми ёки 75,1 фоизи кредит қўйилмалари ҳиссасига тўғри келди. Сармояларнинг катта қисми саноат, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш ва сервис каби иқтисодиётимизнинг етакчи соҳаларига йўналтирилди. Банк капиталининг жадал суръатларда ошиши, айтиш мумкинки, унинг мавқеини мустаҳкамлаш, мижозлар сонини кўпайтиришга муносиб замин яратаяпти.

Президентимизнинг 2008 йил 10 ноябрдаги "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банкининг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони, айниқса, банк ишини ривожлантириш, кўрсатилаётган хизматлар турини кўпайтириш имконини берди. Бугунги кунда унинг 84 та филиали, 188 та минибанки ва кўплаб агентликлари орқали республикамизнинг деярли барча ҳудудлари қамраб олиниб, аҳолига тезкор банк хизматлари кўрсатилаётир.

Мустаҳкам оила йили молия муассасаси фаолияти учун, айниқса, самарали бўлди. Йил давомида иқтисодиётнинг реал секторига ажратилган кредитлар миқдори 381,9 миллиард сўмга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кўрсатилган имтиёзли микромолиявий хизматлар ҳажми 204,7 миллиард сўмга етказилди. Пировардида белгиланган прогноз-кўрсаткич ижроси ортиғи билан таъминланиб, 105 мингдан зиёд иш ўринлари яратилди.

Тадбирда банк томонидан ёшларни, хусусан, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини бизнесга жалб этиш, ҳудудларга саноатни олиб кириш, тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида ҳам атрофлича маълумотлар берилди. Бу борада эришилаётган ютуқлар халқаро ташкилотлар томонидан юксак баҳоланаётганини қайд этилди.

Йиғилишда истиқболдаги режалар, устувор вазифалар белгилаб олинди.

**Саид РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## «ТАШАББУС — 2013»

*Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказилаётган "Ташаббус — 2013" кўрик-танлови тобора қизғин тус олаяпти. Сабаби, унинг ҳудудий босқичлари якунланиб, республика миқёсида беллашадиган тадбиркор, фермер ва ҳунармандлар номи аниқланмоқда. Тадбирлар доирасида жойларда ташкил этилаётган маҳсулотлар кўргазмаси интилиш ва изланишлар ўзининг ширин мевасини бераётганининг яна бир тасдиғи бўлди, дейиш мумкин.*

# Интилиш, изланиш ва рағбат

### ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ.

Нукусда ўтказилган "Ташаббус — 2013" кўрик-танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичида 46 нафар тадбиркор, фермер ва ҳунарманд қатнашди.

— Ўтган йили бизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги ҳиссаси 66,4 фоизни ташкил этгани соҳада яратиб берилаётган кенг имкониятлар самарасидир, — дейди Савдо-саноат палатасининг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси бошлиғи Хўжамурат Қайипназаров. — Масалан, тижорат банклари томонидан тадбиркорларнинг 3466 та истиқболли лойиҳаси молиявий қўллаб-қувватланиши натижасида 15 минг 246 киши доимий иш жойига эга бўлди.

Тадбирда иштирокчиларнинг шу каби лойиҳаларни рўёбга чиқаргани, ички бозорни сифатли маҳсулотлар билан тўлдиришга улуш қўшаётгани эътиборга олинди. Натижада Нукус шаҳридаги "Les Stroy Torg" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Мурат Шимбергенов "Энг яхши тадбиркор", Хўжайли туманидаги "Азамат" фермер хўжалиги раҳбари Байрамқилич Дадебаев "Энг яхши фермер", Шуманай туманилик Мийирбек Тажимуратов "Энг яхши ҳунарманд" йўналишлари бўйича ғолиб, деб топилди.

**Ҳ. АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### ҚАШҚАДАРЁ.

Танловнинг дастлабки босқичларида вилоятдаги юзлаб тадбиркор, фермер ва ҳунармандлар иштирок этиб, ўзларининг янги турдаги маҳсулотлари, ташаббус ва ғояларини тақдим қилишди. Шу боис Муллатўйчи Тошмуҳамедов номидаги вилоят мусиқали драма театрида ўтказилган вилоят босқичи жуда қизғин кечди. Негаки, иштирокчиларнинг ҳар бири ғолибликка муносиб номзодлар эди.

Ғолибларни аниқлашда ишлаб чиқаришга замонавий техника ва технологиялар жалб қилинганлиги, инновациялар киритилгани, янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилгани, қўшимча иш ўринлари яратилгани ва экспорт кўрсаткичлари асосий мезон қилиб олинди.

Якунда Қамаши туманидаги "Умид" савдо-ишлаб чиқариш фирмаси раҳбари Сайдил Холияров "Энг яхши тадбиркор", Қарши туманидаги "Нормўмин бобо" фермер хўжалиги раҳбари Панжи Гелдиев "Энг яхши фермер", Қарши шаҳрилик ҳунарманд Гулҳаё Абдуллаева "Энг яхши ҳунарманд" йўналишида ғолиб чиқиб, кўрик-танловнинг республика босқичига йўлланмани қўлга киритишди.

**А. МУҲАММАДИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ.

Ўрта Чирчиқ туманида жойлашган Маънавият ва маърифат марказида кўрик-танловнинг Тошкент вилояти босқичи бўлиб ўтди. Унда 600 га яқин номзодлар орасидан саралаб олинган энг илғор ва тажрибали тадбиркор, фермер ҳамда ҳунармандлар қатнашди.

Иштирокчилар фаолиятига баҳо беришда ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни жалб этиш борасидаги изланишлари, тайёрланаётган маҳсулотлар тури, бугунги кунга қадар эришган ютуқлари, яратган янги иш ўринларига алоҳида эътибор қаратилди. Пировардида Бўстонлиқ туманидаги қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган "Сарская сладость" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Раҳимхўжа Юнусхўжаев "Энг яхши тадбиркор", Зангиота туманидаги "Шокарим ҳожи" кўп тармоқли фермер хўжалиги раҳбари Тўлқин Тўхтаниёзов "Энг яхши фермер", қибрайлик уста-дурадгор Шавкат Юсупов эса "Энг яхши ҳунарманд" номинацияларида ғолиб бўлдилар.

**Ғ. ШЕРАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Миллий санъатимиз дурдоналари

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Қолаверса, миллийлик ва замонавий услуб уйғунлигидаги маҳсулотларимиз бугун Европанинг кўплаб мамлакатларидаги музейларда, шахсий коллекцияларда сақланаётир. Айниқса, сўзана, дўппи, пойабзал каби буюмларга кўпчилик катта қизиқиш билдираяпти. Бугунги кўргазмада эса шу каби маҳсулотларимиз билан нафақат харидорлар, балки мутахассислар, ҳамкорлар эътиборини ҳам жалб этдик. Хусусан, пойтахтда фаолият кўрсатаётган ўқув маркази билан "Устоз — шогирд" анъанасини йўлга қўйиш бўйича шартнома имзоладик.



Бухоролик Обиджон Нарзуллаев — Ғиждувон кулоллик мактабининг еттинчи авлод вакили. У бугунги кунда ўз иқтидор ва салоҳиятини юртимиз миқёсидаги кўргазмалардагина эмас, балки нуфузли халқаро тадбирларда ҳам ёрқин намоён этмоқда. Ёш ҳунарманд миллий анъаналар асосида кўзагарликни қайта тиклаш, сопол идишлардаги нақшлар композициясини янада бойитиш борасида изчил изланишлар олиб бораётир.

— Айни пайтда Ғиждувондаги қадимий устахонада 6 нафар шогирдим билан меҳнат қилаяпмиз, — дейди Обиджон. — Айтиш керакки, юртимизда биз каби ёш ҳунармандларнинг эркин ижод қилиши, мавжуд имтиёз ва имкониятлардан баҳраманд бўлиши учун беқиёс шарт-шароитлар яратилмоқда. Ана шундай юксак эътибор туфайли кейинги йилларда юз хилдан зиёд маҳсулотларимизни бозорга олиб чиқишга муваффақ бўлдик. Бугунгидек йирик кўргазма-ярмаркаларнинг эса доимий иштирокчисимиз. Тез орада ўзимизнинг устахонада ҳам кўргазма ташкил этиш ниятидамиз.

Кўргазма-ярмаркада уста ва ҳунармандлар ижоди нуфузли санъатшунослар хулосасига кўра баҳоланиб, бир неча номинация бўйича тақдирланди. Шунингдек, тадбир доирасида изланувчан устоз-шогирдларга уларнинг ижодий интилишларини қўллаб-қувватлаш мақсадида таъсис этилган махсус грантлар топширилди.

**Муборак ОХУНОВА,**
**Ҳасан ПАЙДОЕВ (суратлар),**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

# Ватанга садоқат ифодаси

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Улар замонавий ахборот, компьютер технологияларини, хорижий тилларни пухта эгаллаган ва энг асосийси — ҳаёт ҳақида ўзининг мустақил фикри ва қарашига, ахлоқий-маънавий қадриятларига эга бўлган ёшлардир.

— Яқиндагина тиббий кўрикдан, жисмоний тайёргарлик, психологик ва тест синовларидан муваффақиятли ўтиб, Қуролли Кучларимиз сафига қўшилган эдик, — дейди оддий аскар Жамолиддин Холиқов. — Қисқа фурсат ичида муддатли ҳарбий хизмат, зиммамиздаги масъулият ҳақида муайян тасаввурга эга бўлдик. Шуларни ҳис қилган ҳолда, барчанинг олдида ҳарбий қасамёд қабул қилмоқдамиз. Шу онтимизга содиқ қолиб, албатта, ишончни оқлаймиз.

Аҳди қатъий, шижоатли, юртига муносиб бўлишга интилаётган бундай ёшларимизни халқимиз, давлатимиз доимо ардоқлайди, қадрлайди. Юртбошимиз ғояси ва ташаббуси асосида пойтахтимизда қад ростлаган "Ватанга қасамёд" ҳайкали ҳам юртимиз сарҳадларини кўз қорачиғидек асраб-авайлашга бел боғлаган фидойи ўғлонлар шарафига қўйилган бетакрор обидадир. Бу муҳташам мажмуада халқимизнинг муносиб ўғлони давлатимиз тимсоли бўлмиш байроғимизни кўзига тўтиё қилиб, Ватан ҳимояси учун, ота-боларимиз хоки ётган заминнинг ҳар қарич тупроғини асраш учун тайёрман, деб тиз чўкиб қасамёд қилаётгани акс эттирилган. Ана шу мард ва жасур фарзандга оқ сут берган, бағрида кўтариб вояга етказган, Ватан тимсоли бўлган мунис ва мўътабар она ҳарбий хизматга отланган жондан азиз боласига оқ фотиҳа бериб, унга оқ йўл тиламоқда. Ўзида чуқур ҳаётий фалсафани, теран маъно-мазмунни ифода этган мазкур ҳайкал ҳар бир юртдошимизни муқаддас мақсад сари чорлаб туради, Ватанимиз равнақига, тақдирига дахлдор бўлишга ундайди.

**Шавкат ОРТИҚОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди

# ГРАНТ ОЛИШ УЧУН ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

*Танлов мавзуси:* **«Мустақил оммавий ахборот воситаларини янада мустаҳкамлаш, қонунлар, ижтимоий-иқтисодий ва гуманитар ривожланиш соҳасидаги давлат дастурлари талабларининг амалга оширилиши устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш, мамлакатда ўтказилаётган ислоҳотлар сиёсатининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлаш, аҳолининг ҳуқуқий онгини шакллантириш, ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий билимларини юксалтириш».**

— **Танловда Ўзбекистон Республикасининг нодавлат ва нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг қуйидаги йўналишлардаги лойиҳалари кўриб чиқиш учун қабул қилинади:**

— Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгиланган давлат ва жамият бошқарувининг устувор вазифаларини ҳал этишда ҳудудий нодавлат ОАВларнинг фаол иштирокини таъминлаш;

— давлат ҳокимияти органлари фаолияти ҳақида жамоатчиликни хабардор қилиб бориш, аҳолининг, жамоат бирлашмаларининг давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинаётган қарорлар, аввалambor, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари билан боғлиқ қарорлар ҳақидаги ахборотлардан кенг хабардор бўлиб боришини таъминлаш;

— аҳолининг экологик ва тиббий маданиятини янада яхшилашда, аҳоли орасида, айниқса, ёшларга соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишда ОАВнинг ролини ошириш;

— аҳолининг, энг аввало, ёшларнинг дунёқаришини кенгайтириш ва маънавий қадриятларимизни янада мустаҳкамлаш, уларда мустақил тафаккурни тарбиялаш;

— нодавлат оммавий ахборот воситалари томонидан жамоатчилик назоратини амалга оширишга, аҳолининг ҳуқуқий онгини шакллантириш, ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий билимларини юксалтиришга кўмаклашиш;

— миллий матбуотнинг сифати, маҳорати ва самарасини изчил ошириш;

— босма ОАВлар материалларини мамлакатимиз аҳолисининг анъаналари, менталитети, кўп асрлик ижтимоий ривожланиш тажрибаси ҳамда жаҳон тамаддунининг замонавий ютуқларини ҳисобга олган ҳолда, касбий, ғоявий ва бадиий савиясини юксалтириш;

— ОАВларнинг молиявий ва иқтисодий эркинлигини мустаҳкамлаш, ахборот соҳасида бозор механизмларини янада ривожлантириш;

— интернет-журналистикасини ривожлантириш, миллий матбуотни халқаро медиаоламида муносиб ўринга эга бўлиши мақсадида унинг усулларини ўзлаштириш.

**Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:**

1. Жамоат фонди номига грант лойиҳаси тақдим этилаётганлиги ҳақидаги кузатув хати;

2. Жамоат фондининг www.fundngo.uz сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган грант олиш учун лойиҳа ва унинг CD-дискдаги электрон варианти;

3. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси;

4. Низом нусхаси (ташкилот муҳри билан тасдиқланган ўзгариш ва қўшимчалар билан). Бундан ташқари, тақдим этилаётган ҳужжатларга манфаатдор давлат ҳамда жамоат ташкилотларининг тавсияномаси ва мазкур лойиҳанинг қўллаб-қувватлаш хати илова қилиниши мумкин.

**Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант миқдори — 15 миллион сўмгача.** ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг ўз маблағларини жалб этилиши ва ижтимоий шериклик қўллаб-қувватланади.

Танловда давлат рўйхатидан ўтган ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари иштирок этишлари мумкин.

Ҳужжатлар оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган кундан бошлаб, 2013 йил 22 апрель соат 18.00 га қадар қабул қилинади.

Танлов бўйича ҳужжатлар муҳрланган конвертда (А4 формат): 100035, Тошкент шаҳри, Бунёдкор шоҳкўчаси, 1-уй манзилида жойлашган **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди** номига юборилиши шарт.

Танловда иштирок этиш шартлари ва танлов ҳужжатларининг намуналари билан Жамоат фондининг www.fundngo.uz расмий сайтида танишиш мумкин.

Маълумот учун телефон рақамлари: (8-371) 239-26-76, 239-26-64.

# МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК — ФАРОВОНЛИК АСОСИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Тадбирда Республика байналмилал маданият маркази директори Н. Муҳаммадиев ва бошқалар Ўзбекистонда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик, кўп миллатли халқимизнинг ҳамжиҳатлиги жадал ривожланаётган жамиятимизнинг фаровонлиги ва тараққиётини таъминлаётган муҳим омиллардан эканини таъкидладилар. “Обод турмуш йили” Давлат дастурида мамлакатимизда тинчлик ва барқарорлик, хавфсизлик, фуқаролар ва миллатлараро ҳамжиҳатликни таъминлаш, инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатларини ҳимоя қилиш, жамиятимиз фаровонлигини изчил юксалтириш устувор вазифалар сифатида белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида барча фуқаролар миллати, диний эътиқодидан қатъи назар, меҳнат қилиш, билим олиш, ўз имконият ва қизиқишларига кўра касб танлаш ҳамда тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эгалиги мустаҳкамланган. Мамлакатимизда истиқомат қилаётган барча миллат ва элат вакилларининг миллий урф-одат ҳамда анъаналари, қадриятларини асраш ва ривожлантириш, уларни ягона мақсад — эркин ва фаровон Ватан барпо этиш, халқимиз фаровонлигини юксалтириш йўлида жипслигини таъминлаш учун имкониятлар яратиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари яшайди, уларнинг миллий маданияти, урф-одат ҳамда анъаналарини асраш ва ривожлантириш учун барча шарт-шароит яратилган. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан истиқлолнинг дастлабки йилларида ташкил этилган Республика байналмилал маданият маркази мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган 140 дан ортиқ маданият марказларини қўллаб-қувватламоқда, ёшларни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғоясига садоқат руҳида тарбиялаш, жамиятимизда дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Миллий боғда этнографик кўргазма ташкил этилди. Унда ҳар бир миллий маданият маркази ўз урф-одат ва анъаналарини намойиш этди. Пойтахтимиз аҳолиси вакиллари стендларни катта қизиқиш билан томоша қилди, миллий қўшиқларни тинглаб, турли таомлардан татиб кўрди. Тасвирий, амалий санъат намуналари уларда ўчмас таассурот қолдирди. “Наврўзи олам муборак!” концерти байрамга ўзгача руҳ ва кўтаринкилик бағишлади. Унда барча миллий маданият марказларининг энг сара жамоалари ва санъаткорлари ўз маҳоратини намойиш этди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э. Боситхонова қатнашди.

**Роман БОНДАРЧУК,**
**ЎзА мухбири.**

## Хабар

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАРНИНГ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2013 ЙИЛ 9 МАРТДАН 15 МАРТГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.**

***I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:***

1. «Божхона юк декларацияларига тузатиш киритиш, қайта расмийлаштириш ва бекор қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2013 йил 8 февралдаги 01-02/15-17-сонли қарори.*

**2013 йил 11 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2143-2 (2013 йил 18 мартдан кучга кирди).**

2. «Буюртмачининг ҳисобот топшириши, Ўзбекистон Республикаси “Давархитектқурилиш” қўмитаси томонидан савдо танловлари натижаларини келишиш ва келишишни рад этиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг 2013 йил 5 февралдаги 1-сонли қарори.*

**2013 йил 11 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1075-3 (2013 йил 18 мартдан кучга кирди).**

3. «Якка тартибдаги тадбиркорлар — дон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга ун ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт вазирининг 2013 йил 1 мартдаги 26-сонли буйруғи.*

**2013 йил 15 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 983-1 (2013 йил 18 мартдан кучга кирди).**

4. «Нақд пул тушуми келиб тушишининг хронометражини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банки Бошқарувининг 2013 йил 2 мартдаги 2013-9, 5/3-сонли қарори.*

**2013 йил 15 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1788-2 (2013 йил 18 мартдан кучга кирди).**

***II. Давлат реестридан чиқарилди:***

1. «Якка тартибдаги тадбиркорлар — дон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга ун ажратиш тартиби тўғрисидаги низом» *(рўйхат рақами 983, 2000 йил 16 ноябрь). Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги томонидан тасдиқланган.*

**Адлия вазирининг 2013 йил 15 мартдаги 76-мҳ-сон буйруғи билан давлат реестридан чиқарилди.**

**Мазкур ҳужжат қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**

## ЖАҲОН 24 соат ичида

### Қизчанинг исми берилди

***Буюк Британиялик тўққиз ёшли Дейзи Моррис беш ёшида Уайт ороли соҳилларида тошга муҳрланиб қолган ҳайвон изларини топиб олган эди.***

Эътиборли жиҳати, у ҳали фанда кашф қилинмаган динозаврга тегишли экан. Буни олимлар тўрт йил давомида олиб борган тадқиқотлари натижасида аниқлашди. Яъни излар динозаврларнинг птерозаврлар турига мансуб бўлиб чиқди. Шу боис унга қизалоқнинг исм-шарифи — Дейзи Моррис номи берилди. Птерозаврлар сайёрамизда қарийб 115 миллион йил аввал яшаган экан.

### 81 ёшли ўқувчи

***Япониянинг Кавагути шаҳрида истиқомат қилувчи Рицуко Кенмоку хоним 81 ёшида ўрта мактабни тамомлади.***

Рицуко 1931 йилнинг июль ойида таваллуд топган. Унда болалик чоғларида ҳам билим олишга иштиёқ кучли бўлган. Аммо ўша вақтлардаги шароит бунга имкон бермаган. Турмушга чиққанидан сўнг эса рўзғор ташвишлари билан банд бўлиб, яна савод чиқара олмаган.

Ниҳоят, барча юмушларидан қутулган Рицуко хоним уч йил муқаддам мактабга қатнай бошлаганди. Мана, энди унга умумий ўрта таълим кўрганлиги ҳақида ҳужжат берилди. Қизиқ жиҳати, Рицуко хоним невараси билан бир кунда мактабни битирди.

### Ҳимоя чоралари кўрилмоқда

***Германия федераль разведка хизмати (BND) давлат муассасалари ва ишлаб чиқариш корхоналарини хакерлар ҳужумидан ҳимоялаш чора-тадбирларини кучайтираётир.***

Шу мақсадда ташкилот таркибида кибержиноятчиларга қарши курашиш бўлимини ташкил этиш кўзда тутилмоқда. Бу ҳақда BND раҳбари Герхард Шиндлер айтиб ўтган. Унинг таъкидлашича, ҳозир мамлакат разведка хизматига халқаро хакерлар ҳужумига муносиб қаршилик кўрсата оладиган 130 нафар малакали мутахассис керак.

BNDнинг мазкур масалага жиддий ёндашаётгани бежиз эмас. Нега деганда, кейинги пайтларда Германия федераль ва ҳукумат тизимига оид маълумотлар базасига хакерлар томонидан бир неча бор ҳужум уюштирилган.

### Соҳилдаги ҳодиса

***Чилининг Коронель шаҳри соҳиллари ўлик қисқичбақалар билан тўлиб кетди.***

Бу ҳақда “Евроньюс” телеканали хабар тарқатди. Ҳозир уларнинг оммавий қирилиши сабаблари аниқ эмас. Дастлабки тахминларга кўра, ҳудуддаги корхонадан чиқаётган зарарли оқова сувлар боис мана шундай кўнгилсиз ҳолат юз берган. Чунки маҳаллий электростанция меъёрий ҳароратни сақлаш учун Тинч океани сувидан фойдаланиб, уни яна қайта уммонга чиқариб юборади.

Бошқа бир гуруҳ мутахассислар эса океанда кузатилаётган глобал исиш жараёни туфайли қисқичбақалар нобуд бўлган, деган фикрларни илгари сурмоқдалар.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

● Реклама ва эълонлар ●

«BO‘KA TURON-INVEST» МЧЖ
*жамоаси*

Ўзбекистон халқини яшариш ва янгиланиш айёми —

*Наврўзи олам*

билан самимий қутлайди!

Ушбу қувончли кунларда сизга саломатлик, баркамоллик ва фаровонлик тилайди.
Табиат кўйинга яшиллик бахш этган, борлиққа гулу чечак таққан, инсонлар қалбини қувончга тўлдирган баҳорнинг қадами қутлуғ келсин!

Байрамингиз муборак бўлсин!

445А/193

«ЎЗБЕКИНВЕСТ»
ЭКСПОРТ-ИМПОРТ МИЛЛИЙ СУҒУРТА КОМПАНИЯСИ

«МИНГИНЧИ МИЖОЗ»
акцияси ўтказилишини маълум қилади.

Акция компаниянинг Суғурта маркази ҳамда ҳудудий филиалларида **2013 йилнинг 1 февралидан то 1 апрелигача** бўлган давр ичида суғурта полисини сотиб олган жисмоний шахслардан иборат мижозлар ўртасида ўтказилади.

Юзинчи, беш юзинчи, мингинчи мижозлар акция ғолибига айланадилар ва уларга қимматбаҳо мукофотлар соврин сифатида топширилади.

Акция ғолибларига мукофотларни тақдим этиш маросими **2013 йилнинг апрель** ойида бўлиб ўтади.

*«Мингинчи мижоз» акциясига қўшилинг!*

«Ўзбекинвест» — суғуртага ишонинг!

**Батафсил маълумотни (8-371) 120-03-53, 120-03-54 телефонлари ёки www.uzbekinvest.uz сайти орқали олиш мумкин.**

215R/138

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ
*очиқ аукцион савдосига таклиф этади!*

***«Capital Realtor Group» МЧЖда 2013 йил 23 апрель куни соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:***

**I.** Ҳамза тумани СИБ томонидан Жиноят ишлари бўйича Ҳамза тумани судининг 2011 йил 26 декабрдаги 1-805/11-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар такроран савдога қўйилган:

**1.** Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Авлиё Ота кўчаси, 9-уйда жойлашган, умумий майдони 536 кв.м. бўлган, икки қаватли ва ертўладан иборат кўчмас мулк биноси (свадебный салон).

*Бошланғич баҳоси — 1 859 800 000 сўм.*

**2.** Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Шоҳимардон (собиқ Алиев) кўчаси, 84-уйда жойлашган, умумий майдони 1080 кв.м. бўлган, бир қаватли, 4 та бино, битта иншоот ҳамда битта ёрдамчи иншоотдан иборат кўчмас мулк.

*Бошланғич баҳоси — 1 714 061 000 сўм.*

**II.** Чилонзор тумани СИБ томонидан Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти судининг 2011 йил 3 ноябрдаги 2-124/11-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Чилонзор тумани, Арнасой кўчаси, 7-«А» уйда жойлашган, ер участкасининг умумий майдони 2,01 гектар, фойдаланиш майдони 11583,0 кв.м., бино ҳамда иншоотларнинг умумий майдони 2382,5 кв.м. бўлган 3 та бино ва 2 та иншоот.

*Бошланғич баҳоси — 1 403 696 700 сўм.*

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 18.00 гача қабул қилинади ва савдо бошланишига бир кун қолганда соат 16.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Capital Realtor Group» МЧЖнинг ОАТБ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй.**
**Телефон: (8-371) 250-19-24. www.realtgroup.uz**

*Лицензия: № RR-0017.*

436А/105

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ
*очиқ аукцион савдосига таклиф этади!*

***«Capital Realtor Group» МЧЖ Фарғона филиалида 2013 йил 10 апрель куни соат 14.00 да объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулк қўйилмоқда:***

Суд департаментининг Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан ЖИБ Фарғона вилояти судининг 2011 йил 30 декабрдаги 2-125-2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Фруктовый-Рай» агрофирмасига тегишли бўлган, Олтиариқ тумани, «Қапчуғай» ҚФЙ, «Шарқ тонги» МФЙ, Қапчуғай кўчасида жойлашган, умумий майдони 6048,78 кв.м., фойдаланиш майдони 3577,98 кв.м. бўлган маъмурий бино ва иншоотлар.

*Бошланғич баҳоси — 387 603 865 сўм.*

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда, яъни 2013 йил 8 апрель куни соат 17.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини савдо ташкилотчиси — «Capital Realtor Group» МЧЖнинг ОАТБ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662. Аукцион ғолиби сотиб олган мулк қийматини беш банк куни муддатида тўлиғича тўлаши керак.

**Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулкка доир ҳужжатлар билан танишиш, савдода қатнашиш учун ҳужжатларни тақдим этиш ва қўшимча саволлар бўйича қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: Фарғона шаҳри, Бурҳониддин Марғиноний кўчаси, 22-уй.**
**Телефонлар: (+99873) 224-69-96, (+99890) 231-38-59.**

*Лицензия: № RR-0017.*

462А/105

***Давлат, хусусий ва мулкчилик шакли турлича бўлган корхоналар раҳбарлари диққатига!***

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг**
**МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ БОШҚАРМАСИ**

**енгил ва юк ташувчи автотранспорт воситалари учун автомобиль шиналари етказиб бериш бўйича тендер эълон қилади.**

**1.** Тендер савдолари предмети.

| | |
|---|---|
| Лот № 1 Автошина 155/70 R 12 (Tico) | Лот № 8 Автошина 8.40х 15 (215/90-15с) (УАЗ) |
| Лот № 2 Автошина 155 R 12C (Damas) | Лот № 9 Автошина 225/75 R 16с (УАЗ) |
| Лот № 3 Автошина 175/70 R 13 (Nexia) | Лот № 10 Автошина 185/75 R 16 (Газель) |
| Лот № 4 Автошина 165/65 R 13 (Matiz) | Лот № 11 Автошина 280х508 (10.00 R 20) (автобус) |
| Лот № 5 Автошина 185/65 R 14 (Nexia Д) | Лот № 12 Автошина 320х508 (12.00 R 20) (ЗИЛ-131, МАЗ) |
| Лот № 6 Автошина 205/70 R 14 (Волга) | Лот № 13 Автошина 7.5 R 16с (Otoyol) |
| Лот № 7 Автошина 195/65 R 15 (Lacetti) | Лот № 14 Автошина 8.5R 17.5 (Otoyol-автобус) |

**2.** Тендер тури — очиқ.
**3.** Тендерда маҳсулотни ишлаб чиқарувчидан тўғридан-тўғри етказиб берадиган, тендерда иштирок этиш малакавий талабларига жавоб берадиган, тендер асосида харид қилинаётган маҳсулот ҳажмини етказиб бериш тажрибасига эга бўлган хорижий иштирокчилар ва Ўзбекистон Республикаси резидентлари қатнашиши мумкин.
**4.** Тендер комиссияси ишчи органининг манзили: **Ўзбекистон Республикаси, 100070, Тошкент шаҳри, Шота Руставели 1-берк кўчаси, 1-уй**.
Тендер ҳужжатларини харид қилиш бўйича қуйидаги телефонлар орқали мурожаат этиш мумкин:
**(8-10-99871) 281-46-70, 256-39-03, 255-75-12. Факс: (8-10-99871) 281-46-70.**
E-mail: **umtvs@uzpak.uz**
**5.** Етказиб бериш шартлари ва муддати — маҳсулот шартномада кўрсатилган жадвалга биноан, харидорнинг омборига (Тошкент шаҳри) етказиб берилиши лозим.
**6.** Тендер комиссияси тендер савдосидан аввал талабгорларни малакавий танловдан ўтказади.
**7.** Закалат суммаси (тендер таклифи кафолати), уни тўлаш тартиби тендер ҳужжатларида кўрсатилган.
**8.** Тендер ҳужжатлари баҳоси — хорижий иштирокчилар учун 300 АҚШ доллари, Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган иштирокчилар учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банки белгилаган курс бўйича сўмда. Тендер ҳужжатлари учун тўловни учинчи шахслар амалга ошириши тақиқланади.
**9.** Тендер савдолари иштирокчиси тендер ҳужжатларини олиш учун 8-бандда кўрсатилган тўловни амалга ошириши ва тендерда қатнашиш аризасини тақдим этиши лозим.
Тендер иштирокчиси тендер ҳужжатлари бўйича барча саволлар билан тендер комиссияси ишчи органига ёзма равишда ёки 4-бандда кўрсатилган факс ва телефонлар орқали мурожаат қилиши мумкин.
**10.** Тендер таклифларини қабул қилишнинг сўнгги муддати — **2013 йил 25 апрель куни Тошкент вақти билан соат 17.00 гача**. Таклифлар тендер комиссияси ишчи органи томонидан қабул қилинади.

466R/287

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги жамоаси ТИВ ходими **Абдураҳмон Абдураҳимович САМАТОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Молия институти жамоаси Иқтисодиёт назарияси кафедраси профессори **Эсон ЭГАМОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

# O'ZSANOATQURILISHBANK

## "ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК" ОАТБ

жамоаси
барча юртдошларимизни
НАВРЎЗИ ОЛАМ
билан самимий табриклайди!



**Ушбу шодиёна кунларда «Ўзсаноатқурилишбанк» янги турдаги омонатларни таклиф этади:**

| «Тежамкор» | «Маржон» |
|---|---|
| **Депозит тури**: «Муддатли депозит»<br>**Муддати:** 3 ой<br>**Бошланғич бадалнинг минимал миқдори:** минимал 100,0 минг сўм<br>**Қўшимча шартлари:** фоиз даромади ҳар ойда тўланади | **Депозит тури**: «Муддатли депозит»<br>**Муддати:** 4 ой<br>**Бошланғич бадалнинг минимал миқдори:** минимал 100,0 минг сўм<br>**Қўшимча шартлари:** фоиз даромади ҳар ойда тўланади |
| **«Навниҳол»** | **«Яхши ният»** |
| **Депозит тури**: «Жамғарма депозит»<br>**Муддати:** 3 ой<br>**Бошланғич бадалнинг минимал миқдори:** минимал 100,0 минг сўм<br>**Қўшимча шартлари:** фоиз даромади ҳар ойда тўланади | **Депозит тури**: «Муддатли депозит»<br>**Муддати:** 6 ой<br>**Бошланғич бадалнинг минимал миқдори:** минимал 100,0 минг сўм<br>**Қўшимча шартлари:** фоиз даромади ҳар ойда тўланади |



## Омонатчилар диққатига!

- Омонатга аҳолидан пул маблағлари чекловсиз қабул қилинади;
- омонатчилар тўғрисида маълумотлар сир сақланади;
- омонатлар ва унга ҳисобланган фоиз даромадлари омонат шартига асосан, вақтида, тўлиқ берилиши кафолатланади;
- «Ўзсаноатқурилишбанк»даги аҳоли омонатлари Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланган.



**Вақт давомида синалган ишонч!**
**www.uzpsb.uz**

Xizmatlar litsenziyalangan

470R/246


## ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ УЧУН ТЎЛОВДА ЯНГИЛИК: ҚУЛАЙ, ИШОНЧЛИ ВА ТЕЗ!

Бугун замон шиддат билан ривожланиб бормоқда. Шунга монанд равишда электр энергиясига бўлган талаб ва эҳтиёж ҳам кун сайин ўсаяпти. Натижада технологиялар тараққиёти изчил кучайиб, инсон учун кўплаб қулайликлар яратилаётир. Бир эслаб кўринг: ахир яқин-яқингача ҳам мобиль телефонидан фақатгина сўзлашиш учун фойдаланмасмидик?! Кейинчалик у орқали фотосуратга олиш, сўнгра видеотасвирга тушириш имкониятлари пайдо бўлди. 3G ва 4G форматдаги мобиль интернет яратилгач эса, уйдан чиқмаган ҳолда, бу фото ва видеотасвирларни дунёнинг исталган ерига жўнатиш имкониятига эга бўлдик. У бизнинг кундалик ҳаётимизга шу қадар сингиб кетдики, бугун ушбу алоқа воситасисиз бир кунимизни ҳам тасаввур қилолмаймиз. Ҳар қандай ишимизни мобиль телефони ёрдамида бажаришга одатланиб бўлдик. Тўғри-да, бу анча қулай, қолаверса, энг қимматли бойлигимиз — вақтни тежаш учун ҳам яхши имкониятдир. Қувонарлиси, аҳоли учун бундай қулайликлар яратишга «Ўзбекэнерго» ДАК ўзининг беқиёс ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Хусусан, истеъмолчилар компания томонидан ишлаб чиқилган «Электр ҳисоб» дастуридан бемалол фойдаланишлари учун уни кенг миқёсда қўллаш ишлари бошлаб юборилган. Бунинг нималигини биласизми? Йўқ дейсизми?! Келинг, унда бир оз ортга назар ташласак: электр энергияси учун тўловни қандай амалга оширардингиз? Қанча вақт сарфлардингиз? Электр ҳақини тўлаш учун ғазна олдида тик оёқда навбатда турармидингиз? Қишнинг совуғию ёзнинг иссиғида ёниб турган чироғингиз ўчиб қолмаслиги учун қанча йўлни босиб борардингиз? Қаранг, ўзимиз сезмаган ҳолда ортиқча вақт сарфлаб, мана шундай юмушларни доимий равишда бажариб юрганмиз. Бу ҳам етмагандек, чироқ ўчиб қолса, кайфиятимизнинг тушганию қанчадан-қанча асаб толаларимизнинг узилганини айтмайсизми?! Энди-чи? «Ўзбекэнерго» ДАК томонидан ишлаб чиқилган мазкур дастур бу борада сизу бизга жуда катта қулайликлар яратди.

Келинг, яхшиси дастурнинг имкониятларини бир санаб чиқамиз. Агар сиз "Электр ҳисоб" дастуридан фойдалансангиз:

— юртимизнинг хоҳлаган жойидан туриб сарфланган электр энергияси учун тўловингизни амалга ошира оласиз;
— тўловни амалга ошириш учун ўзингизга қулай усулни (банк тизимларида, почта бўлинмаларида, SMS-тўлов усулида, шунингдек, PAYNET тизимларида) танлайсиз;
— электр энергияси учун тўланган маблағ ҳисобингизга тушганини SMS орқали билишингиз мумкин;
— электр энергияси учун тўлов ҳужжатларини тўлдиришга кетадиган вақтингизни тежайсиз;
— электр энергияси истеъмоли учун қанча маблағ сарфлаганингизни ва ҳисобингизда қолган маблағни бемалол назорат қила оласиз;
— бир кунликдан то бир неча ойликкача бўлган электр энергияси сарфини билишингиз мумкин;
— ONLINE тартибида тўловни амалга ошириш имкониятига эга бўласиз;
— ўзингизни қизиқтирган ҳар қандай маълумотни ONLINE тартибида олиш имконияти мавжуд;
— вақтинчалик тармоқдан ўчириш гуруҳини чақиришингиз мумкин;
— таъмирлаш гуруҳини чақиришингиз мумкин;
— энг асосийси, электр таъминоти корхонаси ҳамда истеъмолчиси ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китобларнинг шаффофлиги таъминланади.

Эслатма: Хизматдан фойдаланиш учун **www.uzbekenergo.uz** сайтида шахсий кабинетдан рўйхатдан ўтиш лозим бўлади. Бу эса сизга яна қўшимча имкониятлар яратади.

Хизматдан фойдаланиш жуда оддий: яъни мобиль телефонга PAYNET тизими орқали тўлов қандай амалга оширилса, электр энергияси истеъмоли учун ҳам худди шундай амал бажарилади. Сиздан ҳеч қандай қўшимча тўлов талаб қилинмайди. Ушбу хизматлар учун мобиль операторингиз томонидан SMS-тўлов усулида белгиланган суммани тўлаш билан кифояланасиз.

Энг муҳими, вақтни тежайсиз, ортиқча маблағ сарфидан ва алданишдан сақланасиз. Янада тўлиқ имкониятлардан фойдаланишни хоҳласангиз, интернет орқали шахсий кабинетингизга кириб (мукаммал ҳимояланган тизим), ҳисобингизни ҳамда электр энергияси истеъмолини назорат қилиб, яратилган бошқа имкониятлардан ҳам фойдаланишингиз мумкин.

Бунинг учун, бор-йўғи, бир мартагина телефон рақамини рўйхатдан ўтказиб олсангиз кифоя. Ундан кейин сиз электр энергияси истеъмоли учун ҳисоб рақамингизни тўлиқ назорат қилиш ва бошқариш имкониятига эга бўласиз.

**Қўшимча маълумотлар олиш учун**
**www.uzbekenergo.uz**
**сайтидан фойдаланишингиз мумкин.**

**Тизимнинг схематик кўриниши**




**Маълумотларни SMS тарзида қабул қилиш**



**Тўлов қабул қилиш тизимлари ва ўзаро алоқа**




**Интернет орқали маълумот олиш**




# «Ўзкимёсаноат»

*давлат-акциядорлик компанияси жамоаси*

ҳамюртларимизни баҳор ва гўзаллик байрами —

# Наврўзи олам

билан самимий муборакбод этиб, энг яхши тилакларини билдиради.



**Барчага мустаҳкам соғлиқ, баҳорий кайфият, оилавий бахт-саодат ва азиз Ватанимиз равнақи йўлида янгидан-янги муваффақиятлар тилайди!**

452А/110



**DOOSAN**

**КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

**«TOU Co., LTD»**
**Ўзбекистон — Корея Республикаси қўшма корхонаси**

**Жанубий Кореянинг «Doosan Infracore., Co LTD» компаниясида ишлаб чиқарилган юқори сифатли, жаҳон андозаларига мос**

**йўлсозлик ва қурилиш техникаларини**

**буюртма бўйича етказиб беради.**





**Манзил: 100020,**
**Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани,**
**Лайлитўғон кўчаси, 97-«А» уй.**
**Тел.: (+99871) 242-00-27/28, (+99890) 325-15-52,**
**(+99890) 919-15-52, факс: (+99871) 242-00-26.**
**E-mail: nl@uztow.com**

198R/389



**Халқ сўзи**
**Народное слово**

**МУАССИСЛАР:**
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 354. 134 474 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

**ТЕЛЕФОНЛАР:**
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

**МАНЗИЛИМИЗ:**
**100000,**
**Тошкент шаҳри,**
**Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.**
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Ш. Ортиқов.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.40 Топширилди — 22.20 1 2 3 4 5